

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси


“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Мандарин ва апельсин ўсимликларининг пайвандтаг-нав комбинацияларини танлаш ҳамда уларни етиштириш агротехнологиясини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Мандарин ва апельсин ўсимликларининг пайвандтаг-нав комбинацияларини танлаш ҳамда уларни етиштириш агротехнологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мандарин ва апельсин ўсимликларига мос пайвандтаглар аниқланади; - ушбу цитрус ўсимликларининг пайвандтаг-нав комбинациялари ўрганилади; - <i>in vitro</i> шароитида цитрус ўсимликларининг пайвандтаг ва пайвандустларини кўпайтириш ҳамда пайвандлаш ва кўчат етиштириш технологияси яратилади. - республика иқлим шароитида мандарин ва апельсин ўсимликларини етиштириш технологияси ишлаб чиқилади; - мандарин ва апельсин ўсимликларида учрайдиган касаллик ҳамда зараркунандалар тур таркиби ва ривожланиши ўрганилиб, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилоятининг Денов, Қумқурғон ва Қизириқ туманларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,75 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,75 млрд сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Стресс омилларига бардошли, қайта ишлашга мос зайтун (<i>Olea europaea</i> L.) ўсимлигини етиштириш агротехнологиясини ҳамда унинг меваларидан мой ва консерва маҳсулотларини тайёрлаш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Стресс омилларига бардошли, қайта ишлашга мос зайтун (<i>Olea europaea</i> L.) ўсимлигини етиштириш агротехнологиясини ҳамда унинг меваларидан мой ва консерва маҳсулотларини тайёрлаш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - зайтунни биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, жаҳон коллекциясидан энг стресс омилларига бардошли ва қайта ишлашга мос нав ва шакллари ажратиб олинади; - зайтун ўсимлигининг нав ва шакллари ўсиши, ривожланиш фазалари, биометрик кўрсаткичлар, гуллаш, ҳосил туғиш ҳамда атроф-муҳитнинг стресс омилларига чидамлик хусусиятлари ўрганилади; - <i>in vitro</i> шароитида зайтун ўсимлигининг вируссиз, генетик жиҳатдан бир хил кўчатларини микроклонал кўпайтириш ҳамда уларни етиштиришнинг илғор технологиялари яратилади; - зайтун меваларидан мой ва консерва маҳсулотлари тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилади. Бунда йирик данакли зайтун меваларидан мой чиқиш меъёри ва мойнинг сифат кўрсаткичлари аниқланади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилоятининг зайтун етиштириладиган ҳудудларидаги фермер хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,8 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,8 млрд сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Чилонжийда (<i>Ziziphus jujuba</i> L.) янги навларини интродукция қилиш, кўчатларини интенсив етиштириш технологиясини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Чилонжийда (<i>Ziziphus jujuba</i> L.) янги навларини интродукция қилиш, кўчатларини интенсив етиштириш технологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - чилонжийданинг янги навлари интродукция қилинади, ўсимликни ўсиши ва ривожланиш фазалари ҳамда атроф-муҳитнинг стресс омилларига чидамлик хусусиятлари ўрганилади; - чилонжийда ўсимлигининг вируссиз, генетик жиҳатдан бир хил кўчатларини <i>in vitro</i> шароитида кўпайтириш протоколлари ишлаб чиқилади; - чилонжийданинг турли эколого-географик ҳудудлардан келиб чиққан намуналари олиб келинади, кўчатхона барпо этилади, чилонжийда уруғкўчатларига пайвандлаш ҳамда уларни етиштиришнинг интенсив технологияси яратилади; - етиштирилган сифатли чилонжийда кўчатларидан она боғлар ҳамда плантациялар барпо қилинади; - чилонжийда ўсимлигида учрайдиган зараркунандалар тур таркиби ва ривожланиши ўрганилиб, уларга қарши микробиологик ва кимёвий препаратлар синовдан ўтказилади ҳамда ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилоятининг лалми, сувсиз, тупроқ шароити оғир ҳудудларда синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,75 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,75 млрд сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси


“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Сурхондарё вилояти шароитида кивини кўпайтириш ва етиштириш агротехнологиясини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Сурхондарё вилояти шароитида кивини кўпайтириш ва етиштириш агротехнологиясини яратиш яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - хориждан келтирилган киви навлари интродукция қилинади, ўсимликни ўсиш ва ривожланиш фазалари ҳамда атроф-муҳитнинг стресс омилларига чидамлик хусусиятлари ва меванинг биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилади; - киви кўчатларини <i>in vitro</i> шароитида кўпайтириш протоколи ишлаб чиқилади; - Сурхондарё вилоятининг марказий ва жанубий туманларида киви плантациялари барпо қилиниб, киви мевалари етиштирилади; - киви меваларини сифатига баҳо берилади, уларни узоқ муддат сақлаш ҳамда транспортда ташишга яроқлиги тадқиқ қилинади; - киви меваларини етиштириш, сифат назоратидан ўтказиш, сақлаш ва ташиш бўйича тўпланган билим ва кўникмалар Сурхондарё вилояти фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда кластерларга тавсия этилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилояти Қизирик туманидаги қишлоқ хўжалиги кластерлари, фермер ва деҳқон хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,6 млрд сўм</p>
<p align="center">Жами йиллик:</p>			<p align="center">0,6 млрд сўм</p>

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,2 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.

Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси


“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Балиқ етиштиришда табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш, сув ҳажми меъёрлари ҳамда атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилиш технологиясини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Балиқ етиштиришда табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш, сув ҳажми меъёрлари ҳамда атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилиш технологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - табиий-географик шароитларни ҳисобга олган ҳолда турли ҳудудларда лойиҳаланаётган ва фойдаланиб келинаётган “табиий сув ҳавзалари аниқланиб, уларда балиқ етиштириш учун талаб этиладиган сув ҳажми меъёрларини аниқлаш тартиби” ишлаб чиқилади; - балиқ етиштиришда табиий сув ҳавзаларидан атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилиш технологияси ишлаб чиқилади; - сувларининг физик ва кимёвий кўрсаткичларига балиқ маҳсулотларининг таъсир даражаси мезонлари ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар, сув омборлар бошқармаси, балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,7 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,7 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,7 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси


“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Инновацион лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Фарғона водийси тупроқ-иқлим шароитига мос ғўзанинг истиқболли “СП-7303” навининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва оригинал уруғларини етиштириш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Фарғона водийси тупроқ-иқлим шароитига мос ғўзанинг истиқболли “СП-7303” навининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва оригинал уруғларини етиштириш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - истиқболли СП-7303 ғўза навининг тезпишарлиги 110-120 кун, тола сифати IV тип, тола чиқими 38 фоиз бўлган ва навдорлигини андоза талабларига мос бўлган янги навни Фарғона вилоятининг пахта тўқмачилик кластерларига жорий этишга етарли миқдордаги уруғлари тайёрланади; - Фарғона вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос келувчи СП-7303 навини бирламчи уруғчилигини ташкил этиш учун оилалар уруғлари кўпайтирилиб, дала кўриги ишлари ўтказилади; - кўпайтириш кўчатзорида 6,0-6,5 граммлик вилтга чидамли ва тезпишар бўлган 2500-3000 та якка танловлар олинади; - пахта тўқмачилик кластерларига жорий этишга етарли миқдордаги уруғлар тайёрланади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари фермер хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,5 млрд сўм
Жами йиллик:			0,5 млрд сўм

**Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,0 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси

“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Инновацион лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Очиқ ер майдонларида қулупнайнинг селекция йўли билан яратилган янги “Дилдор” ва интродукция қилинган “Ада” навларининг етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: Очиқ ер майдонларида қулупнайнинг селекция йўли билан яратилган янги “Дилдор” ва интродукция қилинган “Ада” навларининг етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - очиқ ер майдонлари учун мўлжалланган қулупнайнинг “Дилдор” ва “Ада” навларининг қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича ўрганилиб, юқори ҳосилли, сақлаш ва ташишга қулай бўлган навлар танлаб олинади; - Тошкент вилояти шароитида очиқ ер майдонларида жадаллашган технология асосида қулупнай етиштириш технологиясининг илмий асослари ишлаб чиқилади; - Тошкент вилояти очиқ ер майдонлари шароитларида қулупнайнинг 7 ой давомида ҳосил берадиган бошқа қулупнай навларига нисбатан ҳосилдорлиги 30-35 центнердан юқори бўлган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, йирик мевали сақлаш ва ташишга қулай навлари давлат реестрига киритилади; - очиқ ер майдонлари учун мўлжалланган мевалари йирик қулупнай навларининг яратилиши натижасида республикада қулупнай ҳосилдорлиги 5-10 ц/га ортишига эришилади; - очиқ ер майдонлари учун мўлжалланган қулупнай навларининг хилма-хиллиги ошади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари республикадаги мавжуд кластер, фермер ва аҳоли томорқа ерларида синовидан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,7 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,7 млрд сўм

**Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,4 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*